



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2019
1/2/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ғ.И. БОТИРОВ – ф-м.ф.н.

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Ҳ. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Рўзиев Р.Ж. – ю.ф.д., проф.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Маматов А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Джумабаева Ж.Ш. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2019

МУНДАРИЖА

Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

Мавлонов М. Кўникмалар шаклланишининг психологик детерминантлари.....	4
Мавлонов Ш. Глобал ўзгаришлар шаротида жамиятнинг сиёсий тараққиёт йўли ва унинг маънавий йўналишлари.....	8
Махмудова Д. Математика дарси жараёнида муаммоли вазиятнинг турлари.....	15
Махмудова Х. Суд-психологик экспертизани ўтказишда дифференциал диагностика.....	21
Мусаев Ф. Жанговарлик ва мардлик – фаровон ватанпарварлик модели.....	25
Назаров Н. Этносларо жараёнларни такомиллаштириш механизмларига оид.....	28
Нарбаев А., Қорабоев К., Турсунов М. Олий таълим муассасаларида астрономия фанини ўқитишда телекоммуникация технологиялари воситаларида фойдаланиш методикаси.....	33
Нурматов Ф. Пути преодоления стресса спортсменами в спортивной соревновательной деятельности.....	36
Omonturdiyev O. Shaxs ma'naviy borlig'ining takomillashuvida qadriyatlarining ahamiyati.....	40
Отабоев А. Ижтимоий бошқарув муаммолари бўйича ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихига қисқача назар.....	43
Отақулов Ш. Гендер ҳуқук ва бошқарув соҳасида тенгликни таъминлаш.....	48
Равшанов А. Ирригатор кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий ва тарихий илдизлари.....	52
Разыкова Л., Рахматова Л. Олий таълим муассасалари талабаларига шарқона маънавиятни сингдиришда таълим ва оила ҳамкорлигининг ўрни.....	56
Рахматова З. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар ахлоқий тарбияси тизимининг аҳамияти.....	59
Ризаев И. Ижтимоий тизимнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш омиллари.....	63
Саидов М., Очилов И. Университетлар – жамият тараққиёти кафолати.....	68
Salikhova N. The principles of speaking skills' formation among students.....	72
Сапарова Г. Бағрикенглик – кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакат халқларининг миллий ўзлигини англаш омилли.....	76
Сатгарова Б., Жўраева Г. Замоनावий таълим беришда илғор хорижий тажрибаларни қўллашга тайёрлаш(Астрономия мисолида).....	81
Сафаров А. Миллий-маънавий кадриятларимиз тарбиявий таъсирчанлигини оширишнинг сўнмас намунаси.....	87
Сиддиқов Н. Ёш тадбиркорлар ижтимоий масъулиятини ошириш – жамият ривожига асосий омиллардан бири.....	91
Солиева М. ШХТга аъзо давлатларнинг маданий соҳада ҳамкорлиги.....	96
Султонов А. Юқори малакали дзюдочиларда манёврик малакаларини такомиллаштириш.....	100
Султанов У. Узоқ масофага югурувчиларни жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини шаклланиш динамикаси.....	104
Ташаев Л. “Хатар гуруҳига” кирувчи болалар тарбияси юзасидан ота-оналарга амалий тавсиялар.....	109
Ташмурадод У. Значение правовой и политической культуры в вооруженных силах республики Узбекистан.....	112
Тилавов Ў. Марказий Осиёдаги диний қарашларда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни ёритилиши.....	116
Тиллаволдиева М. Оила – миллат тараққиётининг ижтимоий ходисаси сифатида.....	120
Тугабоева К. Connection of human character and appearance in psychology.....	124
Тухтаев Ф., Каримова Д., Уринова А. Проблемы контроля, проверки и оценивания знаний заочников.....	128
Уббуниязов Ж., Кулуева Ф. Каталония за независимость.....	132
Уралов О. Олий таълимнинг халқаролашуви: таълим стандартларидаги умуминсоний ва миллий ўзига хосликлар.....	136
Хайтов Э. Ёшлар тарбияси ва маънавий таҳдид.....	141
Хамрақулов З. Халқ фаровонлиги, эҳтиёжлар ва инвестицияларнинг ўзаро алоқадорлиги.....	145
Хонимов Ш. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий ва ҳуқуқий асослари.....	149
Хужаев М. Аҳмад Заки Валидий асарларида Шарқ ва Ғарбнинг маънавий-маданий ва диний-фалсафий мулоқоти таҳлили.....	156
Хурвалиева Т. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришда интеграцион ёндашувни ташкил этиш.....	160
Хуррамов Э. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолиятга тайёрлашда хориж тажрибаларидан фойдаланиш.....	164
Хайитова И. Oliy ta'lim muassasalarida mustaqil ta'limni tashkil etish shakllari.....	168
Хакимов О., Соатов У. Олий таълим тизимида дифференциаллашган тўлов шартноманинг математик модели ва уни қўллаш.....	171
Хошимхонов М. Бобораҳим Машрабнинг маънавий ва дидактик қарашлари.....	176
Шарабова Н., Дониёрова Д. Русийзабон талабаларда ватанпарварлик ва ўзбекона миллий руҳни англаш туйғусини шакллантириш.....	182
Шаропова Н. Ўзбекистонда халқ таълим тизимида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тадбирлари ва унинг натижаси (Қашқадарё вилояти мисолида).....	186
Shaxaldarova G. Onglililik prinsipining chet tilda o'quvchilar lingvistik kompetensiyasini rivojlantirishda tatbiq etilishi xususiyatlari.....	189
Шерматова Н., Сирлиев Б. Ички ишлар органлари ходимларини касбий фаолиятга мослашувининг психологик жиҳатлари.....	193
Нажмиддинова Ё. Запрограммированная вспомогательная компьютерная система – как информационно-образовательная среда в обучении инженеров-техников.....	199
Сатгаров А. Мобил технологияларни олий таълим муассасалари ўқув жараёнида қўллаш.....	203
Сирлиев Б. Ходимларни профайлинг методи бўйича билимларини оширишнинг амалий аҳамияти.....	208
Худайбердиев С. Электрон ўқув қўлланмаларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни.....	216
Худойбердиева Х. Ўзбекистонда миллатларо тотувликни таъминлашда санъат асарларининг фалсафий моҳияти.....	220
Юнусова Г. Word Press tizimida “Statistik Fizika” faniga sayt yaratish va qo'llash metodikasi.....	224
Тўраева М. Значение письма и письменной речи при овладении устно-речевым общением на иностранном языке.....	231

Тургунов А. Логика предмет философии	235
Узакова Ш. Характеристика основных видов чтения для обучение ВУЗах.....	240
Каримова Г. Ахлоқий инқилобнинг иқтисодий асослари.....	244
Култаев К. Кимё фанини ўқитишда дидактик ўйинли технологиялардан фойдаланиш.....	248
Акрамова Х. Ўзбекистон ва хорижий олий таълим муассасаларида таълим жараёни ва унинг қиёсий таҳлили.....	253



*Алишер РАВШАНОВ,
ТИҚХММИ “Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси*

ИРРИГАТОР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ, СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ ВА ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Аннотация

Суғорма дехқончилик фаолиятининг борган сари кенгаётганлиги ва бу соҳа ривожини таъминлайдиган малакали кадрларга бўлган эҳтиёжнинг кўпайганлиги, Ўрта Осиёнинг суғорма дехқончилик маданияти шаклланиши ва мироблик анъаналари такомиллашувига доир илмий тадқиқотларнинг аҳамияти янада ортаётганлиги, бугунги мутахассислар олдига ушбу соҳани халқимизнинг асрлар давомида тўплаган жуда бой тажрибаларидан янада самарали фойдаланган ҳолда такомиллаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди. Мазкур мақолада мамлакатимизда ирригатор кадрлар тайёрлаш тизимининг тарихий шаклланиш босқичлари, бу соҳада олиб борилган давлат сиёсати, унинг амалий аҳамияти, ижтимоий, сиёсий ва маънавий асосларини ўрганишнинг долзарб масалаларига оид маълумотлар ва хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: ирригация, сув, ер, глобаллашув, сепоя, чорпоя, кадрлар, қишлоқ хўжалиги, цивилизация, маданият.

СОЦИАЛЬНО - ПОЛИТИЧЕСКИЕ, ДУХОВНЫЕ И ИСТОРИЧЕСКИЕ КОРНИ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ИРРИГАЦИИ

Аннотация

С постоянно растущей сельскохозяйственной деятельностью и растущей потребностью в квалифицированных кадрах для поддержки развития сельского хозяйства, растущей важностью научных исследований по развитию орошаемого земледелия в Центральной Азии и традициями Мираб, наиболее эффективным использованием многовекового опыта нашего народа. Акцент на улучшение работы определяет актуальность темы. В данной статье приводятся сведения и выводы об исторических этапах становления ирригационной системы в нашей стране, проводимой государственной политике в этой области, ее практическом значении, изучении социальных, политических и духовных основ.

Ключевые слова: ирригация, вода, земля, глобализация, сепоя, чарпая, кадров, сельское хозяйство, цивилизация, культура.

SOCIO-POLITICAL, SPIRITUAL AND HISTORICAL ROOTS OF PREPARING IRRIGATION PERSONNEL

Abstract

With constantly growing agricultural activity and a growing need for qualified personnel to support agricultural development, the growing importance of scientific research on the development of irrigated agriculture in Central Asia and the traditions of Mirab, the most efficient use of the centuries-old experience of our people. The emphasis on improving performance determines the relevance of the topic. This article provides information and conclusions about the historical stages of the formation of the irrigation system in our country, the state policy in this area, its practical significance, the study of social, political and spiritual foundations. This article provides information and conclusions on the historical stages of the formation of the irrigation system in our country, the state policy in this area, its practical significance, and the actual issues of studying the social, political and spiritual basis.

Key words: irrigation, water, land, globalization, sepo, charpai, personnel, agriculture, civilization, culture.

Инсоният ҳаёти учун муҳим бўлган сув муаммоларига доир умуминсоний ва глобал, регионал ва миллий жараёнлар тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Бутун жаҳонга хос бундай мураккаб жараёнларнинг долзарб муаммоларини самарали ҳал қилиш учун барча мамлакатларда юксак малакали ва замонавий фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш, ушбу йўналишда кенг камровли тадқиқотлар олиб бориш бугунги давлатлар ва халқларнинг келажагини белгилайдиган муҳим масалалардан бирига айланди. Бутун дунё давлатлари қатори, бизнинг мамлакатимизда ҳам, ҳозирги глобаллашув шароитида сувдан самарали

фойдаланиш йўллари ва воситаларини излаб топиш эҳтиёжи кучаяётгани, ирригация соҳасининг тез суръатлар билан ўсаётгани ва ушбу соҳага нисбатан эътиборнинг ортиб бораётгани шубҳасиз.

Маълумки, минтақамизда сув ҳаёт манбаси сифатида эзгу, хайрли инсоний фазилатлар шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган, ундан фойдаланиш жараёни эса, турли соҳалар ва касблар шаклланиши учун мустақкам омил бўлиб хизмат қилган. Бундай хулосанинг асл ҳақиқат эканини тасдиқловчи тарихий мисоллар ва далиллар ниҳоятда кўп. Бу борадаги анъаналар, аввало, бутун Ер юзиде бўлгани каби, ижтимоий тараққиёти ва

кишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончиликка таянган Марказий Осиёда ҳам, ер ва сувни асраб-авайлашни яхши биладиган уста деҳқонлар, тажрибали мироблар, меҳнаткаш сувчилар бўлгани, уларнинг кадрлангани билан узвий боғлиқдир.

Аждодларимизнинг азалий макони бўлган Ўзбекистонимизда ҳам энг қадим замонлардан бугунги кунгача инсон ҳаёти учун зарур бўлган кўплаб соҳалар ва касблар сув билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва ривожлангани маълум. Шунинг учун ҳам қадимий аждодларимиз суви мўл бўлган Сирдарё, Амударё ва уларнинг irmoқлари бўлмиш Зарафшон, Норин, Қорадарё, Чирчиқ каби дарёларнинг бўйларида ариқлар қазиб, тўғонлар қуриш йўли билан далага сув олиб чиқиш орқали деҳқончилик қилганлар. Сув сатҳидан баландда жойлашган ерларга чиғириклар яшаш, коризлар барпо этиш йўллари билан сув чиқариб, экин экканлар.

Буларнинг барчаси учун ўз ишининг устаси бўлган моҳир деҳқонлар, тажрибали мироблар, меҳнаткаш сувчилар зарур бўлган, албатта. Асрлар давомида бу борадаги билимлар сайқалланган, даврлар синовига бардаш берган кўникмалар ва малакалар шаклланиб ва такомиллашиб борган [1].

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан сув ҳаёт-мамот масаласи бўлиб, сунъий суғорма деҳқончилик тарихи милoddан аввалги 2,5-2 минг йил олдин вужудга келган. Хоразм, Зарафшон воҳалари ва Фарғона водийсида кенг тарқалган Хубби номи ўлкамизда хукмронлик қилган Ислом, оташпарастлик ва будда динларидан ҳам олдин шаклланган кўп худолик даврига бориб тақалади. Сув худоси Хубби, Фарғонада Эр Хубби, сув фалокатларидан сақловчи, ҳар бир оғир ишларда сувчиларга, яъни сув мутахассисларига ёрдам берувчи мардона йигит сифатида тасаввур этилган. Мураккаб муҳандислик ечимларига, хусусан, аниқ математик, геометрик, географик ҳисоб-китобларга таяниб қурилган гидроиншоотлар юртимизда бу соҳада ўз даврининг юқори малакали мироб (обишиканда-тузун – Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғоти турк” асарида номи келтирилган)лари бўлганидан далолат беради [2].

Марказий Осиё жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам, милoddан аввалги минг йилликлардан бошлаб суғорма деҳқончилик маданияти шакллана борди. Деҳқончиликка ўтиш кишиларни янги ва қулай сув манбаларидан фойдаланишга ва кўшимча, кўпроқ самарали меҳнат усулларини яратишни тақоза этган. Шунинг учун ҳам улкамизда қадимданок мироблар сувни сунъий йўл билан пастдан юқорига чиқариш усулини кашф этганлар. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданиятининг ривожланишида Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган дастлабки давлат тузилмалари (Қадимги Хоразм, Бактрия ва Сўғдиёна) катта роль ўйнаган.

Марказий Осиё минтақасида деҳқончилик маданияти ва миробчилик ананалари шаклланиши ва ривожланишида мамлакатимиз ҳудуди марказий ўринни тутиб келган. Ўзбек халқининг қадимги аждодлари ривожланган бронза давридаёқ сунъий

суғоришга асосланган деҳқончилик маданиятига асос солиб, минтақа цивилизацияси ривожини бошлаб берганлар. Асрлар давомида ер ва сувга муносабат такомиллашиб миллий қадрият даражасига етган. Халқимизнинг суғорма деҳқончилик тарихи, мироблик ананалари ва ирригация воситалари бўйича асрлар мобайнида тўпланган бой тажрибаларини ўрганиш ҳам илмий ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Мутахассислар фикрича, Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик тарихи бўйича тадқиқотлар ўтган асрда бошланди. Таниқли шарқшунос олим В.В.Бартольд томонидан ёзма манбалар маълумотлари асосида ёзилган “Туркистоннинг суғорилиш тарихига доир” номли монографияси араб, форс ва бошқа тилларда ёзилган тарихий ва географик манбалардан тўпланган бой фактик маълумотлар асосида ёзилган асардир. Бирок ушбу асарга баҳо берганда шуни айтиб ўтиш керакки, унда ирригация ва ирригаторлар тайёрлаш масалалари мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тарихи билан боғлаб берилмаган.

Минтақамизда қадимдан ерларни суғориш имкониятлари, экологик соғлом муҳитни яратиш баъзи салбий оқибатларга олиб келишини ҳам жуда яхши англаб етишган. Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида, муайян аҳволни ҳисобга олиш асосида қатъий ечимлар, қарорлар қабул қилишган. Ўша даврнинг ақл-заковат соҳиблари бўлган мироблар ва уста деҳқон-сувчилар бундай ҳодисаларни ўрганганлар, унга қарши курашиб, уни бартараф этиш усуларини қидириб топишган. Масалан, қадимданок боболаримиз шўрланган ерларни пайкалларга сув оқизиш йўли билан “ювиш” усулини яратганлар ва технологик жиҳатдан жуда оддий бўлиб, камҳаражатли ва самарали бўлган бу усул ҳозирги кунда ҳам ишлатилади.

Амударё ва Сирдарё бўйларида шаклланган ирригацияси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, аждодларимиз унча чуқур бўлмаган тезоқар каналларни қуриш йўли билан суғориш учун зарур бўлган керакли микдорда тоза, ифлосланмаган сувни усталик билан ола билишган. Амударё ва Зарафшоннинг бир қисм сувини олиш учун уларнинг баланд қирғоқари тагидан (лаҳм) тонеллар ўтказишган. Дарё сувлари даражасидан баланд турадиган ерларни суғориш учун эрамизнинг бошларидаёқ соат қурилмасини эслатиб турувчи сув кўтариш иншоотлари – чиғирлар қурилган. Фарғона водийсида эса водийнинг тезоқар сувлари (сойлари) оқимига қарши сувнинг йўналишини бошқарувчи оддий, лекин мустаҳкам “сепоя”, “чорпоя” ва “лабигардон” (сепоя - учта Тахта ходаларни бир-бирига чандиб боғлаш асосида туташтирилган қурилма, чорпоя - худди шунга ўхшаш, фақат тўртта ходадан ташкил топган, лабигардон - тошлар, ходалар, шох-шаббалардан ташкил топиб, қирғоқларда қурилган ва у сув оқими йўналиши зарбасини қайтарувчи ва уни дарёнинг умумий оқимига йўналтирувчи қурилма) каби иншоотлар ёрдамида бошқарилган.

Нурота ҳудудларида эса деҳқонлар ва ирригаторлар кўшимча сув ресурсларини кидириб топиш учун ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида ўз даврининг жуда диккатга сазовор ирригация техникасини кашф этганлар. Булоқларнинг унча-мунча сувларини йиғиш ва улардан суғориш мақсадида фойдаланиш учун унча катта бўлмаган сув омбори – “Қулфакли ҳовуз”ни қурганлар. Бу сув омборчаси қулфлоглиқ сақланган ва ундан заруриятга қараб очиб, суғориш учун олиб ишлатганлар.

Ўрта асрларнинг илк даврида (V-VI асрлар) Ўрта Осиёнинг суғориладиган ер майдонларининг бироз камайганлиги кузатилади. Бироқ VII асрдан бошлаб аста-секин ирригация тизими ва суғориладиган деҳқон хўжалиги майдони кенгайиб борган. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши натижасида маҳаллий аҳолининг чексиз солиққа тортилиши, кўплаб олтин-кумуш ва қимматбаҳо бойликларнинг олиб кетилганлиги Мовароуннаҳрда VIII-IX асрларда араблар ҳукумронлигининг кучайиши, Ўрта Осиё халқларининг озодлиги учун олиб борган курашлари ўлкада мавжуд ирригация тизимининг издан чиқишига, сунъий суғорма деҳқончиликнинг тушқунликка тушиб қолишига сабаб бўлган [3].

Тарихчи Наршахийнинг ёзишича араблар дастлабки 100-150 йил давомида ислом динини ёйишга, бойликлар тўплашга, халқ кўзгалонларини бостиришга асосий эътиборни қаратганлар, лекин Мовароуннаҳрда халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг яхшиланишига аҳамият бермади. VIII-IX асрларда қишлоқ хўжалиги деярли ривожланмади. Мавжуд суғориш тармоқлари ярқис ҳолга тушиб қолган. Араблар Амударёнинг номини ўзгартириб уни “Жайхун” деб атадилар.

IX-X асрларда Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ирригация тизимининг, суғорма деҳқончилик маданиятининг ривожланиши ва такомиллашувида катта аҳамиятни касб этди. Сунъий суғоришга асосланган суғорма деҳқончилик маданияти IX-XIII аср бошларида тез ривожлана бошлади. Бу даврда Ўрта Осиёда Самонийлар (819-1005), Қорахонийлар (998-1212) ва Хоразмшоҳлар (1077-1221) давлатлари даврида нафақат ирригация ва суғориш технологияси, шунингдек Амударё ва Сирдарё қуйи оқимидаги суғориладиган ер майдонлари янги ўзлаштирилган ер ҳисобига 2,7 млн га етди, жумладан интенсив суғориладиган ерлар майдони 1,7 млн га ташкил этди. Бу келтирилган кўрсаткич рақамлар антик ирригацияси ривожланган даврдаги суғорилган майдонларнинг 2/3 қисмига тўғри келган. Самонийлар сулоласи даврида (819-1005 й.) қатор ислохотлар амалга оширилди. Моварауннаҳрнинг асосий вилоятларидан бири Зарафшон водийси хўжаликнинг барча турлари, жумладан суғорма деҳқончилик маданияти яхши ривожланган. Натижада IX асрда Мовароуннаҳр қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатга айланган эди [3].

Ўрта аср ирригаторлик илми ва тажрибаси ривожланишида Ўрта Осиёлик алломалардан

математик ва астроном Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, энциклопедик, серкира олим Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний ва бошқа кўплаб ўз даврининг етакчи олимларнинг ўрни ниҳоятда катта. IX-XI асрларда математика, геометрия, физика, астрономия ва бошқа табиий фанларнинг ривожли ирригация тизимининг ривожланишига катта туртки бўлган. Масалан, Абу Райхон ал-Беруний ўзининг “Ўтмиш аждодлардан қолган хотиралар” номли китобида сув манбаларининг жойлашиши, каналлар йўналишини аниқловчи, ер сатҳини ўлчовчи, ернинг қиялигини ўлчовчи ускуналар тўғрисида маълумот берган.

Бу масалаларда мутафаккирлардан Аҳмад ал-Фарғонийнинг ўрни алоҳида бўлиб, у жаҳон илм-фани ва айниқса, сув илми – гидрология фани тараққиётида бекиёс из қолдирган буюк ватандошларимиздан бири эди. Унинг раҳбарлигида Нил дарёсининг Ревзо оролида қурилган сув даражасини ўлчаш қурилмаси – “Миқёси ан-Нил” (Нилометр) ҳозирги Миср ҳудудида XIX аср ўрталаригача кенг фойдаланилган. Аллома фақат сув ўлчаш иншоотини лойиҳалаштириш, уни қуришга раҳбарлик қилиш ва сув истеъмолчиларига топшириш билан чекланиб қолмаган. Сув ўлчаш иншоотидан амалий фойдаланиш мақсадларида ундан қандай фойдаланиш, йўл-йўриқ, усуллари, уни ишлатиш бўйича махсус қўлланма – “Миқёси Жаҳид” рисоласини ёзган. Буларнинг барчаси эса, IX асрдаёқ Аҳмад Фарғоний томонидан сувга муносабатда тўғри қарорларни қабул қилиш учун миқдорий ёндашиш методи ишлаб чиқилгани, шу услуб асосида деҳқончилик ва сув ресурсларини яратиш ва бошқариш билан боғлиқ амалий вазифалар моҳирона ҳал қилиб берилганидан далолат беради.

Аҳмад ал-Фарғонийлар яшаган илк ўрта асрларда ер эгаллиги муносабати қандай бўлишидан қатъий назар суғорма деҳқончилик маданияти шаклланиб ва ривожланиб борган. Ер ва сув захираларидан самарали фойдаланилган. Чорақарлар ҳам сув тақсимланиши қондаларига риоя қилган ҳолда фаолият юритган. XII асрга оид маълумотларда Бурхониддин Марғилоний томонидан тузилган ханифий мазмунидаги “Хидоя” номли юридик асарда ер эгалари билан чорақарлар ўртасида тузиладиган ва чорақарларни асоратга соладиган шартномаларнинг пухта ишлаб чиқилган нормалари кўрсатилган. Шунга алоҳида эътибор бериш жойизки, “Хидоя” ўз замонасида ижтимоий муносабатларнинг инкосидир.

Ўрта Осиёнинг Мўғуллар томонидан истило қилиниши сув ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ақл бовар қилмайдиган даражада кулфатларга сабаб бўлди. Фақат Амир Темур ва темурийлар даврига келибгина бу борада ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Темур нафақат ўз Ватани Мовароуннаҳрда, балки Хуросон, Эрон, Кавказ ва бошқа ҳудудларда бир қатор ирригация ишлариини бунёд қилган. Булар қаторига Мурғоб водийсида Соҳибқирон томонидан қурилган каналларни, Қобул яқинидаги Жўйинав водийсидаги Бодон анҳорини ва Кавказнинг

Байлақон туманида қурилган Барлос суғориш тизимларини кўшиш мумкин. Улуғбекнинг Мовароуннахрда ҳукмронлик қилган даврларида ҳам ирригация ишлари янада ривож топди. У даврда темурийлар ва уларнинг ҳукмдорлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв, Тус ва Ҳирот водийларида йирик ирригация иншоотлари яратилиб, экин ерлари ва аҳолини сув билан тахминлаш анча яхшиланган. Худди шундай фикрни Бобур ва унинг авлодлари томонидан Ҳиндистонда амалга оширилган ишлар, уларнинг 16-18 асрлардаги бунёдкорлик фаолияти ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Мирза Бадиъ Девоннинг “Мажмуъ ал-аром” асарида XVIII асрда Бухоро амирлиги туманларини (тарихий Бухоро вилоятини) сув билан таъминлаш тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилади. Муаллифнинг ёзишча, амирликда бу пайтда энг юқори 4 та лавозим: оталиқ, буюк девонбеги, парвоначи, додхоҳ лавозимлари мавжуд бўлган. Оталиқ лавозими эгаллаган шахс давлат ҳукмдори – Бухоро амирининг таянчи сифатида фақат ўзи оталиқлик қилаётган валиаҳд шахзода (тахт вориси) тарбияси билан шуғулланишдан ташқари муқаддас Бухоро дарёси (Зарафшон дарёси) устидан сув тақсимоти назоратини ўрнатган. Оталиқ Самарқанддан Қоракўлгача бўлган худуд: Самарқанд ва унинг туманлари, Соғарж ва Миёнқолдаги тўрттадан ҳазора (бир ҳазора – 50000 таноб суғориладиган ер майдони), муқаддас Бухоронинг туманлари ва Қоракўл ариқлари устидан сув тақсимоти назоратига раҳбарлик қилган. Бундан ташқари у Руди шаҳар мироби ва доруға вазибаларини бажарган. Доруға вазифасига муқаддас Бухоронинг ички работларини кечкурун қўриқлаш ҳам кирган [4].

Хуллас, жуда қадимги даврлардан бошлаб, Марказий Осиёда, айниқса ҳозирги Ўзбекистон худудида суғорма деҳқончилик ривожланди, сув иншоотларини қуриш асосида ирригация техникасининг бой ва диккатга сазовор тажрибаси пайдо бўлди. Ўзбекистон ирригацияси тарихида қадимги гидротехник иншоотлар алоҳида ўринни эгаллайди, улар бизнинг давргача сақланиб қолган

ота-боболаримиз томонидан яратилган моддий ва маданий ёдгорликлар бўлиб, бизнинг кунларгача сақланиб етиб келгани бунинг яққол тасдиғидир. Шу нуқтаи назардан, юқорида қайд этилганларнинг барчаси мамлакатимизда ирригация, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва мелиорация соҳасида кадрлар тайёрлаш сиёсатининг тарихан мустаҳкам асосга таянганини яққол исботлайди. Бу борада Марказий Осиёнинг тўнгич олий таълим даргоҳи бўлган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ташкил этилиши ва фаолияти эса ушбу сиёсатни амалга оширишнинг ўтган аср бошларидаги яққол намунаси бўлгани шубҳасиз.

Бу жиҳатдан ўтган аср бошларида ирригатор кадрлар тайёрлаш сиёсатини шакллантирган тарихий шароит ва ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий омилларга алоҳида аҳамият қаратиш даркор. Маскур масалада аввало, таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихи ва тараққиётининг XX аср бошларига хос маърифий эҳтиёжнинг ниҳоятда муҳим тарихий зарурат эканлигини ўша даврда яшаган алломаларимиз, жадид боболаримиз жуда яхши англаганлар. Улар бу борада Авесто замонларидан шаклланган, Ўрта асрларда Форобий ва Фарғоний, Беруний ва Улуғбек, Навоий ва Бобурлар томонидан ривожлантирилган, кейинги замонларда эса, мироблик сирларини яхши билган Мунис, Огаҳий ва ўз даврининг нуқтадон алломаси Аҳмад Дониш каби мутафаккирлар тавсифлаган анъаналарга таянганлар, албатта.

Айни пайтда, Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик фаолиятининг йил сайин тобора кенгайиб бораётгани ва бу соҳа ривожини таъминлайдиган юксак малакали ирригатор кадрларга нисбатан эҳтиёжнинг ортиб бораётгани эса, шубҳасиз олимлар, айниқса, Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик маданияти шаклланиши ва мироблик анъаналари такомиллашувига доир илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар олдига бу соҳада халқимизнинг асрлар давомида тўплаган жуда бой тажрибасини умумлаштиришдек, ғоят муҳим ва шарафли вазифани кўндаланг қилиб қўймоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўлжаева Ш., Хақимова М. Ўзбекистонда ирригация ва сув ресурслари: тарихи ва истиқболлари, – Тошкент, 2019. 34-бет.
2. Ҳамидов Ҳ. Ўзбекистон худудида суғорма деҳқончилик маданияти пайдо бўлиши ва ривожланиши // “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали, 2019 й. 1-сон, 62-бет.
3. Сангиров Р. Ўлкамиздаги суғорма деҳқончилик маданияти такомилли // “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали, 2019 й. 1-сон, 74-75-бетлар.
4. Эрназаров Ф.Н. XIV–XIX асрларда Марказий Осиёда суғорма деҳқончилик маданияти ривожини // “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали, 2019 й. 1-сон, 68-бет.